



АХХИ

IJTIMOIY - SIYOSIY GAZETASI

Асқад МУХТОР:

Кичкина бир
яхшилик қилиш учун
ҳам одам (балки
буюк одам) бўлиш
керак; катта ёмонлик
қилишга кичик одам
ҳам қодир.

ИШЧИ ГУРУХ



ҚАШҚАДАРЁДА ИМКОНИЯТ ҲАМ, САЛОҲИЯТ ҲАМ БОР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси раҳбари, партия Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Актам Хаитов бошчилигидаги ишчи гуруҳ томонидан Қашқадарё вилоятида тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликлари фаолияти ўрганилди. Ташрифдан кўзланган асосий мақсад

ҳудудда фаолият юритаётган тадбиркор ва фермерлар билан очиқ мулоқот ўтказиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш жараёнида мавжуд муаммоларни жойида ўрганиб, вақтида бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилашдан иборат бўлди.

3

"ЙИЛ АЁЛИ - 2025"

ГУЛМИРА
ЖУМАЕВА
КАТТАҚЎРҒОН
ШАҲРИДАГИ
"ANVARJON BUSINESS
INVEST" МЧЖ РАҲБАРИ
ХОТИН-ҚИЗЛАР
ТАДБИРКОРЛИГИНИ
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ВА АТРОФ-МУҲИТНИ
МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ ЙЎЛИДАГИ
ФИДОКОРОНА
ФАОЛИЯТИ УЧУН
"ЙИЛ АЁЛИ - 2025"
ТАНЛОВИДА ОЛИЙ
ЎРИН - ГРАН-ПРИ
СОҲИБИ БЎЛДИ.



БОШ МУКОФОТ КИМГА НАСИБ ҚИЛДИ?

Гулмира Жумаева узоқ йиллар давомида Россия Федерациясида меҳнат миграциясида бўлиб, чиқиндиларни қайта ишлаш корхонасида фаолият юритган. 2016 йили Ватанимизга қайтиб, бой тажрибасини халқимиз манфаатларига йўналтирди. Атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, маъшиий чиқиндиларни қайта ишлашга қаратилган самарали фаолиятни йўлга қўйди. Давлатимиз томонидан тадбиркорлик учун яратилган кенг имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда, бугунги кунда 5 та масъулияти чекланган жамиятни ташкил этиб, 450 га яқин ёшлар ва хотин-қизлар учун доимий иш ўринлари яратди. Ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш мақсадида Хитой Халқ Республикасида 100 минг АҚШ доллари миқдорда замонавий асбоб-ускуналар олиб келинган бўлиб, кейинги беш йилда кор-

хоналарда 178 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Юксак ташаббускорлик, экологик масъулият ва самарали тадбиркорлик фаолияти учун бош мукофотга муносиб деб топилган Гулмира Жумаева Ўзбекистон Республикаси Президентининг совғаси - автомобил билан тақдирланди. Совринни **Бош вазир ўринбосари - Оила ва хотин-қизлар кўмитаси раиси Зулайхо Маҳқомова** ғолибга тантанали равишда топширди. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси жамоаси ҳам ушбу юксак эътироф билан тадбиркорлик йўналишида улкан муваффақиятларга эришадиган Гулмира Жумаевани самимий муборакбод этади! Нуфузли танловнинг бошқа номинатсиялар бўйича ғолиб ва совриндорлари ҳам эълон қилинди.

Туркий от кўтарганлар қачон кўпаяди?



Орзу қиламанки, тарихдаги барча туркий номлар тўпланиб, шахслари ҳақида қисқача маълумот берилиб, энциклопедик манба яратилса...

6

БУГУНГИ СОНДА:



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ
тўғрисидаги миллий маърузани кўриб чиқиш тартиби такомиллаштирилмоқда

2



ЭРКИН ФИКР АЛМАШИШ
муаммоларни бартараф этишга шароит яратмоқда

4



БИЗНИ БОЗОР БОШҚАРАДИМИ?!

5

АХХИ

Обуна
2026 йил учун

ОБУНА ИНДЕКСИ - 406

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН:

(71) 255-68-50

**Дунё ва мамлакатимиздаги
энг сўнгги янгиликлар!**

O'zLiDeP ФРАКЦИЯСИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилишида дастлаб Президентимизнинг шу йил 18–20 декабрь кунлари Японияга расмий ташрифининг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Депутатлар давлатимиз раҳбарининг ушбу мамлакатга ташрифи Ўзбекистон – Япония дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим воқеа бўлиб, икки томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини қайд этишди. Токиодаги учрашув ва тadbирлар Ўзбекистоннинг минтақавий жараёнлардаги кучайиб бораётган мавқеи ҳамда етакчи халқаро шериклар билан



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ

Тўғрисидаги миллий маърузани кўриб чиқиш тартиби такомиллаштирилмоқда

кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш таъминлашга содиқлигини яна бир бор тасдиқлагани таъкидланди. Фракция аъзолари мамлакатимиз раҳбарининг Японияга ташрифи ҳамда “Марказий Осиё + Япония” мулоқоти саммитидаги иштироки икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқала-

рини кучайтириш учун янги имкониятлар очишини эътироф этдилар.

Шундан сўнг бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган – коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маърузани кўриб чиқиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси

муҳокама қилинди. Ушбу қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маърузани Олий Мажлис палаталарига тақдим этишнинг аниқ муддатини белгилаш таклиф этилмоқда.

Муҳокамалар давомида фракция аъзолари Азиза Аминова, Диёр Хусанов ва бошқалар қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятига алоҳида тўхталиб, унинг зарурати ва аҳамияти юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, таклиф ва тавсияларини билдиришди. Ҳужжатнинг қабул қилиниши мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш борасидаги долзарб масалаларнинг Олий Мажлис палаталари томонидан ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш ҳамда коррупцияга қарши курашувчи органларнинг бу борадаги масъулиятини янада оширишга хизмат қилиши айтилди.

Қизгин мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” мухбири

ЭШИТУВ

Болалар тақдири муҳим

Халқ депутатлари Хоразм вилоят ва Урганч шаҳар кенгашлари ўз депутатлик гуруҳлари билан биргаликда жамоатчилик эшитувни ўтказди. Жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида ташкил этилган тадбирда Урганч шаҳар тиббиёт бирлашмаси томонидан амалга оширилаётган ишлар ва долзарб муаммолар муҳокама қилинди.



Бирлашма бошлиғи ўринбосари Жўрабек Якубов ўз ахборотида бугунги кунда болалар сонининг кўпчилиги ҳамда ун ёшгача бўлган болалар орасида касалланиш ҳолатлари ортиб бораётгани сабабли вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказига мурожаатлар сони сезиларли даражада ошаётганини маълум қилди. Шаҳардаги поликлиникаларда кичкинтойларга тиббий хизмат кўрсатиш имкониятлари чеклангани аҳоли ўртасида жиддий эътирозларга сабаб бўлмоқда. Хусусан, малакали педиатр ва тор соҳа мутахассислари, стационар етишмаслиги туфайли кўплай беморлар вилоят маркази ёки пойтахтда жойлашган ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларига йўналтирилмоқда. Бу эса аҳоли учун қўшимча вақт ва харажатларни талаб этмоқда.

Жўрабек Якубов мазкур муам-

моларни бартараф этиш мақсадида Урганч шаҳар тиббиёт бирлашмаси қошида 50 ўринли болалар ва 8 ўринли болалар реанимацияси бўлимларини ташкил этиш таклифини илгарисурди. Бунинг учун янги бино қуриш ҳамда моддий-техник базани тўлиқ замонавий тиббий аппаратлар билан таъминлаш зарур. Мазкур бўлимлар фаолияти йўлга қўйилса, болажон-

ларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати яхшиланиши ҳамда аҳоли мурожаатларининг ўз вақтида ҳал этилишига эришилади.

Депутатлар ушбу масала юзасидан депутатлик сўрови чиқаришга қарор қилишди. Шу билан бирга, тиббиёт соҳасида аҳоли учун қўлайликларни ошириш, электрон навбат тизимини такомиллаштириш таъкид-

ланди. Чекка маҳаллаларда сайёр тиббий хизматлар фаолиятини кенгайтириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган профилактик тадбирларни мунтазам ташкил этиш зарурлиги айтилди.

O'zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши матбуот хизмати

ВАКИЛИМИЗ

Депутатлик сўрови жавобсиз қолмади

O'zLiDeP Олот тумани кенгаши депутати Жасур Рўзиқулов тиниб-тинчимас ва жонқуяр халқ вакили сифатида танилган.



У сайловчилар мурожаатларини ўз муддатда кўриб чиқиши ва тегишли корхона ҳамда ташкилотлар кўмағида ижобий ҳал этишга жиддий эътибор қаратади, айниқса, депутатлик сўрови амалиётидан кенг фойдаланади. Жорий йилнинг ўтган даврида ҳам қишлоқлар инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, хонадонларни электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш ва бошқа бир қатор масалалар бўйича сайловчи-

лардан тушган мурожаатларга ўз вақтида ечим топа олди.

Сайлов округига қарашли Шўрқашон кўчасидаги 23 та хонадонда истикомат қилувчи 500 дан ортиқ аҳоли вакиллари унга тушган ёзма мурожаатда ушбу кўчадаги 1 километрлик йўлни таъмирлаш сўралган эди. Халқ вакили туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси ва ободонлаштириш бошқармасига йўллаган депу-

татлик сўровларининг амалий натижаси ўлароқ, кўп ўтмай кўчага шағал тўкилди ва аҳоли эҳтиёжлари ўз вақтида қондирилди. Энди шўрқашонликлар қишинг қорли кунларида қийналмай юришади.

Асхор ИСТАМОВ,
“XXI asr” мухбири

МУНОСАБАТ

ЎЗБЕКИСТОН – ЯПОНИЯ:

ЭНГ ИШОНЧЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУСТАҲКАМЛАНАДИ



Одина ОТАХОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Сўнгги йилларда Ўзбекистон – Япония муносабатлари ўзаро ишонч ва узоқ муддатли манфаатларга асосланган ҳамкорлик модели сифатида шаклланди. Япония мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни доимий қўллаб-қувватлаб келаётган муҳим стратегик шерик сифатида Ўзбекистоннинг Осиё минтақасидаги энг ишончли ҳамкорларидан бири ҳисобланади.

Президентимизнинг Японияга амалий ташрифи икки давлат ўртасида сўнгги йилларда изчил ривожланиб бораётган стратегик шериклик муносабатларини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқмоқда. Ушбу ташриф нафақат икки томонлама сиёсий мулоқотни мустаҳкамламоқда, балки иқтисодий, технологик, таълим ва инсон капиталини ривожлантириш соҳаларида ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтирмоқда. Ташриф доирасида иқтисодий ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга қаратилган қатор муҳим келишув ва битимлар имзоланди. Энергетика, нефть-кимё, транспорт инфратузилмаси, соғлиқни сақлаш, сув ҳўжалиги ҳамда “яшил иқтисодиёт” соҳаларида қўша лойиҳаларни амалга ошириш бўйича эришилган келишувлар Ўзбекистонда замонавий технологияларни жорий этиш, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва янги иш ўринлари яратишга замин бўлади.

Шунингдек, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ҳамда Япония молиявий институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, таълим имзоланган ҳужжатлар транспорт ва коммунал инфратузилмани модернизация қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, давлат бошқаруви ва кадрлар тайёрлаш соҳаларида илғор япон тажрибасини жорий этиш учун мустаҳкам молиявий ва институционал асос яратмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур ташрифи Марказий Осиё – Япония ҳамкорлиги доирасида ҳам муҳим сиёсий воқеа сифатида эътироф этилди. Кунчиқар мамлакатда бўлиб ўтган Марказий Осиё – Япония саммити минтақа давлатлари ва Япония ўртасидаги кўп томонлама мулоқотни янги мазмун билан бойитди. Саммит доирасида минтақавий барқарорлик, иқтисодий интеграция, транспорт алоқаларини ривожлантириш, иқтисодий ўзгаришга қарши кураш ва инсон ҳавфсизлигини таъминлаш масалалари устувор йўналиш сифатида белгиланди.

Саммит якунида эришилган келишувлар Марказий Осиё

мамлакатлари учун Япония инвестициялари ва технологияларини жалб этиш имкониятларини кенгайтириш, минтақада “яшил тараққиёт”, рақамли иқтисодиёт ва инновацион инфратузилмани ривожлантиришга ҳисса қўшади. Ўзбекистон ушбу форматда фаол иштирок этар экан, минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва барқарор тараққиётни таъминлашда муҳим ташаббуслар билан чиқмоқда.

Ташриф доирасида инновация ва юқори технологиялар соҳасидаги ҳамкорликка ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Рақамлаштириш, саноатни модернизация қилиш, энергия самарадорлиги ва экологик хавфсизлик бўйича эришилган келишувлар миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширади. Япониянинг илғор технология ечимларини жорий этиш орқали Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш таъминланади.

Гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. Таълим соҳасида япон университетлари билан қўша таълим дастурларини кенгайтириш, талабалар ва мутахассислар алмашинувини кучайтириш, касбий таълимни ривожлантириш бўйича имзоланган келишувлар инсон капиталини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга. Маданий алоқалар эса халқларимиз ўртасида ўзаро ҳурмат ва дўстликни янада мустаҳкамламоқда.

Муҳими, ушбу ташриф ва саммит Ўзбекистоннинг очиқ, прагматик ва кўп қиррали ташқи сиёсати амалда самара бераётганини яна бир бор тасдиқлади. Япония билан ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама форматда йўлга қўйилган алоқалар иқтисодий манфаатлар билан чекланиб қолмасдан, барқарор тараққиёт, экологик масъулият ва инсон қадрини улуғлаш каби умумий қадриятларга таянаётгани билан аҳамиятлидир. Саммит доирасида эришилган натижалар мамлакатимиз учун янги имкониятлар ашигини очиб, узоқ муддатли мақсадларга эришишда мустаҳкам таянч бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

ҚАШҚАДАРЁДА ИМКОНИЯТ ҲАМ, САЛОҲИЯТ ҲАМ БОР

◀◀ Бошланиши 1-саҳифада.

Ишчи гуруҳ аъзолари Қарши туманидаги Талликурон маҳалласида жойлашган “Худойкулов Сарварбек Ахрорович” фермер хўжалиги тасарруфидидаги “Istiqlol cotton green” ишлаб чиқариш-тижорат корхонаси фаолияти билан яқиндан танишдилар. Худуддаги фермер хўжаликлари раҳбарлари билан бўлиб ўтган мулоқотда экин майдонларининг унумдорлигини ошириш, тезлашар ва сув танқислигига чидамли чигит навларини экиш, пахта ҳосилининг ҳажми ва сифатини юксалтириш, замонавий агротехнологиялардан самарали фойдаланиш орқали меҳнат унумдорлигига эришиши юзасидан амалий тавсиялар берилди.

Шунингдек, сув солиғи ортиб кетишининг олдини олиш мақсадида такрорий экинларни жойлаштириш бўйича тасдиқланган ҳужжатларни солиқ органларига ўз вақтида тақдим этиш, дала дўконларини кўпайтириш, ғўза ниҳоллари парваришини юқори агротехнологиялар асосида ташкил этиш, сув танқислигини бартараф этиш учун томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш ускуналаридан кенг фойдаланиш борасида тегишли вазифалар белгилаб берилди.

– Маълумки, далада ишлайдиганлар учун йилнинг тўрт фаслида ҳам иш топилади, – деди **Ўзбекистон фермерлар кенгаши раиси Ақтам Хаитов**. – Айни пайтда тўқсонбости экинлар экиш, далаларга маҳаллий ўғит чиқариш, ариқ-зовурларни тозалаш, боғу токзорларни суғориш, чигит экиш учун пушта олиш каби қатор муҳим ишлар бажарилиши мумкин. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, фермер хўжаликлари мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг барқарор тараққиётида муҳим ўрин тутаяди. Тадбиркор ва фермерларни молиявий қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда қўшимча иш ўринлари яратишга кўмаклашиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

САНОАТ САЛОҲИЯТИ: “ALP TEXNO SERVIS” ТАЖРИБАСИ

Ишчи гуруҳ аъзолари тумандаги бошқа фермер хўжаликларида ҳам бўлиб, вилоятда аграр ислохотлар натижасида эришилган амалий ютуқлар, илгор тажрибаларни жорий этиш ва фермерлар фаолиятини янада рағбатлантириш борасида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар.

Жумладан, Қарши шаҳридаги “Буёқ Турон” кичик саноат зонасида жойлашган “Alp texno servis” масъулияти чекланган жамиятида жамоа билан мулоқот уюштирилди. Электротехника соҳасидаги йирик саноат лойиҳаларидан бири саналган ушбу корхона телевизор ва мониторлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, биринчи босқичда йиллик ишлаб чиқариш қуввати 120 минг донани ташкил этмоқда. Корхона маҳсулотлари JVC, TCL, Zimmer, Hofmann каби халқаро брендлар талабларига тўлиқ жавоб берган ҳолда экспортга йўналтирилмоқда.



Корхонада “SMART” бренди остида ҳам маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, келгусида ишлаб чиқариш ҳажмини йиллик 500 минг донагача ошириш режалаштирилган. Илгари экспорт қилинган маҳсулотлар



қиймати 3 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, яқин истиқболда ушбу кўрсаткични 6 миллион доллардан ошириш мақсад қилинган. Айни пайтда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизи ташқи бозорларга йўналтирилмоқда. “Alp texno servis” лойиҳаси Қашқадарё вилояти саноат салоҳиятини ошириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни глобал таъминот занжирларига интеграция қилиш ҳамда мамлакат экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

“LANGAR WATER” – БУГУН КУН БРЕНДИ

Ишчи гуруҳнинг навбатдаги манзили Қарши шаҳрида жойлашган “Langar water” масъулияти чекланган жамияти бўлди. Сувни қайта ишлашга ихтисослашган мазкур корхонада асосан спиртсиз ичимликлар, хусусан, минерал ва маъданли ичимлик сувлари ишлаб чиқарилиб, замонавий ускуналарда қадоқланмоқда.

Корхона 2024 йил 8 апрель куни давлат реестрида расман рўйхатдан ўтказилган бўлиб, устав капитали маҳаллий тадбиркорлар ташаббуси асосида шакллантирилган. Лойиҳа маҳаллий иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш, аҳолини сифатли ва хавфсиз ичимлик суви билан таъминлашга қаратилган. Ишлаб чиқариш жараёنлари санитария-гигиена талабларига тўлиқ мувофиқ

ҳолда ташкил этилган бўлиб, маҳсулот сифати, экологик тозалик ва хавфсизлик доимий назоратда сақланмоқда. Шу боис “Langar water” маҳсулотлари бозорда ўзининг рақобатбардор сифати билан ажралиб туради.

Мулоқот давомида бундай корхоналар худуд иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш ҳамда келгусида экспорт имкониятларини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга экани алоҳида таъкидланди. Шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган бундай лойиҳаларни кўпайтириш бўйича зарур тавсиялар берилди.

“UZSHOES” МАҲСУЛОТЛАРИ ОММАЛАШАДИ

Ишчи гуруҳи аъзолари Қарши шаҳрида фаолият юритаётган “UzShoes” МЧЖ пойабзал ишлаб чиқариш корхонасида ҳам бўлдилар. Ушбу корхона худуддаги муҳим саноат лойиҳаларидан бири сифатида замонавий ишлаб чиқариш, экспортга йўналтирилган фаолият ва маҳаллий хомашёдан самарали фойдаланишни ўзида мужассам этганлиги билан ажралиб туради. “UzShoes” қўшма корхонаси беларуслик ҳамкорлар билан ташкил этилган бўлиб, ишлаб чиқариш жараёنларига илгор технологиялар жорий этилган. Корхонада маҳаллий чарм хомашёсидан фойдаланган ҳолда юқори сифатли, замонавий дизайнга эга пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Айни пайтда корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 500 минг жуфт пойабзални ташкил этади. Эраклар, аёллар ва болалар учун ўндан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконияти мавжуд бўлиб, мазкур маҳсулотлар ички бозорда сифат ва эстетик кўрсаткичлари билан импорт ўрнини боса оладиган маҳсулотлар қаторига кирган. Эътиборли жиҳати шундаки, “UzShoes” маҳсулотлари нафақат мамлакатимиз бозориди, балки Европа давлатларидаги 100 дан ортиқ савдо нуқталарида ҳам сотилмоқда. Қўшни давлатлар ҳамда Ҳиндистон билан ташқи савдо алоқалари йўлга қўйилгани корхонанинг экспорт салоҳиятини янада оширмоқда. Умуман олганда, “UzShoes” МЧЖ фаолияти маҳаллий ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, саноат тармоғини модернизация қилиш ва Қашқадарё вилояти иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга хизмат қилмоқда.

Ўрганишлар давомида корхонада ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларига суниёй интеллект технологиялари кенг жорий этилгани ижобий тажриба сифатида қайд этилди. Шу билан бирга, халқаро бозорда, айниқса, Хитой компаниялари билан рақобатнинг кучайиб бораётгани маҳсулот таннорини пасайтириш, сифатини янада ошириш ва инновацион ечимларни татбиқ этишда муайян қийинчиликлар мавжудлиги таъкидланди.

Мулоқотлар чоғида воҳа тадбиркорлари томонидан корхоналар рақобатбардорлигини ошириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш ҳамда инновацион ишлаб чиқаришни янада қўллаб-қувватлаш борасида қатор тақлифлар билдирилди. Партия раҳбари Ақтам Хаитов мазкур масалаларни қонунийлик нуқтаи назаридан чуқур ўрганиш, ишлаб чиқарувчилар учун қўшимча рағбатлантириш меха-

низларини жорий этиш бўйича аниқ чоралар кўрилишини таъкидлади.

Қайд этиш жоизки, Қашқадарё вилоятида олиб борилган ўрганишлар тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда қонунчиликни амалиёт талабларига мос равишда такомиллаштириш йўлида муҳим қадам бўлиб хизмат қилди. Ишчи гуруҳ томонидан йиғилган тақлиф ва муаммолар асосида тегишли қонунчилик ташаббуслари ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилиши режа қилинган.

РЎЙХАТГА ОЛИШ КЕЛАЖАГИМИЗ УЧУН КЕРАК

Шахрисабз Педагогика институтида ўтказилган йиғилишда Ақтам Хаитов сўзга чиқиб, Президентимизнинг 2025 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тadbирини ўтказиш тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш учун мазкур жараёнга пухта ҳозирлик кўриш ҳамда аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш борасидаги навбатдаги вазифалар ҳақида маъруза қилди.

Семинарда аҳоли ўртасида мазкур ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишнинг янги усуллари ҳақида тушунтириш бериш зарурлиги таъкидланди. Хусусан, жараённинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ҳамда амалий босқичлари, аҳоли хонадонларига кириш, саволномаларни тўлдирish, маълумотларни электрон шаклда қайд этиш борасидаги ишлар ҳақида ҳам сўз юритилди.

Эътироф этилганидек, аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тadbiri икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда фуқаролар онлайн тарзда рўйхатдан ўтиш имкониятига эга бўлса, иккинчи босқичда маҳаллаларда уйма-уй юриб, барча қатлам вакиллари тўлиқ қамраб олиш таъминланади. Бу, айниқса, фермерлар учун муҳим бўлиб, ер майдонлари, ишлаб чиқариш ҳажмлари ва мавжуд муаммо ҳамда эҳтиёжларни аниқ белгилаш имконини беради. Шунингдек, тадбирда фуқароларнинг шахсий маълумотлари қонун билан тўлиқ ҳимоялангани, йиғилаётган ахборотлар фақат умумлаштирилган статистик мақсадларда қўлланилиши алоҳида таъкидланди.

– Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш – бу навбатдаги расмий ҳисобот эмас, балки халқ фаровонлиги, адолатли қарорлар ва барқарор тараққиётга хизмат қиладиган муҳим давлат тadbiri ҳисобланади, – деди Ақтам Хаитов мулоқотда. – Мазкур масъулияти жараёнда фаол иштирок этган фуқаро юрт келажак ва халқ фаровонлигига муносиб ҳисса қўлган бўлади. Шунга қўра, барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, кўмаклашайлик.

Муҳтасар қилиб айтганда, Қашқадарё вилоятида амалга оширилган ўрганишлар тадбиркорлик ва фермерлик фаолиятини ривожлантириш йўлида мавжуд имкониятлар билан бир қаторда ечимини қутаётган қатор муаммо ва тўсиқлар борлигини ҳам яққол намоён этди. Жойлардаги очик мулоқотлар орқали ишлаб чиқаришни кенгайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш, сув ва ресурслардан оқилона фойдаланиш, рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда инновацион технологияларни жорий этиш масалалари долзарб экани тасдиқланди.

Шу билан бирга, “Alp texno servis”, “Langar water”, “UzShoes” каби корхоналар тажрибаси худудда саноат ва тадбиркорликни ривожлантириш учун мустаҳкам асос мавжудлигини, давлат томонидан яратилаётган шароит ва имтиёзлар тўғрисида йўналтирилган тақдирда юқори самара беришини кўрсатмоқда. Айниқса, маҳаллий хомашёга таянган, экспортга йўналтирилган ва замонавий технологиялар асосида фаолият юритаётган корхоналар вилоят иқтисодий салоҳиятини оширишда муҳим ўрин тутаятгани эътиборга молик.

Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш бўйича ўтказилган семинар-йиғилиш эса худудларни режалли ривожлантириш, аниқ маълумотларга таянган ҳолда адолатли қарорлар қабул қилиш ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишда мазкур жараённинг нақадар муҳим эканини яна бир бор тасдиқлади.

Энг муҳими, ишчи гуруҳ томонидан билдирилган тақлиф ва мулоҳазалар, тадбиркорлар ва фермерлар кўтарган муаммолар асосида қонунчиликни амалиёт талабларига мослаштириш, қўшимча рағбатлантириш механизмларини жорий этиш орқали тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш имкони мавжуд. Бу эса келгусида Қашқадарё вилоятининг иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

САРҲИСОБ

Янги йил арафасида ортга бир назар солиб, ютуқ ва муваффақиятларни эътироф этган ҳолда, йўл қўйилган камчиликларнинг сабаб-оқибатларини таҳлил қилиш ва шу аснода келгуси режаларни тузиш одатий ҳол.

O‘zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши ходимлари, туман, шаҳар бўлимлари аппарат раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган тадбирда ана шу аъёнанага амал қилган ҳолда йил давомида қилинган ишлар танқидий таҳлил этилди.

Таъкидлаб ўтилганидек, ҳар қандай сиёсий кучнинг эл орасидаги обрўси, мавқеи аввало амалий ишларига боғлиқ. Йиғилиш аввалида йил давомида қилинган ишлар санаб ўтилди. Жумладан, 5 мақсад ва 500 вазифани ўз ичига олган партиянинг Сайлов-

ЮТУҚЛАР ЎЗ ЙЎЛИГА, НУҚСОНЛАРГА ЧОРА ИЗЛАШ КЕРАК

олди дастури ижросини таъминлаш ҳамда 101 та истиқболли лойиҳалар доирасида кўплаб тарғибот тадбирлари, учрашувлар, амалий ва ўқув семинарлари, давра суҳбатлари ташкил этилган. Бу эса жойларда партия Сайловолди дастурида илгари сурилган мақсад ва вазифаларни қўллаб-қувватлайдиган юртдошларимиз сони ошишига сабаб бўлмоқда.

Буни жорий йилда вилоятда партия сафига 1 100 нафардан зиёд янги аъзолар жалб қилинганидан ҳам билса бўлади. Айни кунда худудда партия фаоллари сони 151 607 нафарга, бошланғич партия ташкилотлари сони эса 1 318 тага етди.

Жойларда депутатлар билан ҳамкорликда ишлаш, маҳаллий кенгашларда фаолият олиб бораётган 123 нафар халқ ноибларининг аҳоли билан бевосита мулоқот қилиб, улар-



нинг муаммоларини ўрганиш ва партиявий воситалар орқали ечим топишга алоҳида эътибор қаратилди. O‘zLiDeP вилоят кенгаши томо-

нидан камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлиги, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, худудга тўғридан-тўғри инвестиция жалб этиш,

ёшлар сиёсати, ижтимоий ҳимоя ва коммунал хизматлар самарадорлиги ва бошқа йўналишларда 154 та жамоатчилик эшитувлари ташкил этилди. Бундан ташқари, сайлов округларида ташкил қилинган учрашувларда сайловчилар томонидан келиб тушган 400 га яқин мурожаат депутатлар назоратига олиниб, аксарияти ижобий ҳал қилинди.

Халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашидаги O‘zLiDeP депутат гуруҳи аъзолари томонидан йил давомида 237 та депутатлик сўрови чиқарилган бўлиб, шундан 224 таси ижобий ҳал этилган. Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан 460 та депутатлик сўровлари чиқарилган бўлса, шундан 436 таси хайрли ечим топди. Қолганлари ҳам халқ вакиллари назоратида.

Йиғилишда, шунингдек, йўл қўйилган камчиликлар очик ва атроф-лича таҳлил қилинди. Бошланғич партия ташкилотлари ва депутатлар ҳамкорлигини янада кучайтириш, ижтимоий соҳадаги муаммоларни бартараф этиш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, инвестиция лойиҳалари ижроси, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига ёрдам кўрсатиш каби долзарб масалаларда фаолиятини янада ошириш лозимлиги айтиб ўтилди.

Айниқса, 101 лойиҳа доирасида ташкил этилаётган тадбирларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, кенг жамоатчилик орасида тарғиботни кучайтирган ҳолда партия сафига янги, фидойий фаолларни жалб қилиш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш лозимлиги қайд этилди.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” мухбири

ЭРКИН ФИКР АЛМАШИШ

МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА ШАРОИТ ЯРАТМОҚДА

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Бахитбай Алдамуратов, О'зЛиДеР Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Амалий лойиҳалар ва сийёсий таълим маркази раҳбари Насимжон Алимов, партия Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши аппарат раҳбари Адип Айбергенов, Халқ депутатлари Нукус шаҳар кенгаши депутати Замира Айтбаева ва фаоллардан иборат ишчи гуруҳ Нукус шаҳри ҳамда Амударё туманларида бўлишди. Маҳалла еттилик кесимида ҳудудларда учраётган долзарб муаммоларни ўрганишди, аҳоли билан учрашувлар ўтказишди.

Дастлаб ишчи гуруҳ аъзолари Ўзбекистон Маҳаллалар уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасида бўлишди. Учрашув давомида



республикада тизим доирасида амалга оширилаётган ишлар, қонунчиликдаги сунгги янгиликлар муҳокама қилинди. Маҳалла институтининг аҳоли билан ишлашдаги ўрни, еттилик фаолиятида учраётган муаммолар ва уларни бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ишчи гуруҳ Нукус шаҳри Наукам боғ маҳалласида аҳолининг таклиф ва ташаббусларини тинглади. Мулоқот давомида ижтимоий ҳимоя масалалари, хусусан, ўзгалар парваришига муҳтож, ногиронлиги бор шахсларни парвариш қилаётган оила аъзоларига оид муаммолар кўтарилди. Маълум қилинишича, амалдаги тартибга кўра, бундай нафақа фақат ўзгалар парваришига муҳтож 18 ёшгача бўлган болаларни парвариш қилаётганлар учун тўланиб, ундан ошганларнинг ҳамўрлари бундан маҳрум бўлиб қолмоқда. Маҳалла фаоллари мазкур масалани қайта кўриб чиқиш, нафақа тўловида беморнинг ёш чекловини олиб ташлаш бўйича қўшимчалар киритиш таклифини илгари суришди.

Бундан ташқари, кўчмас мулк объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ масалалар ҳам аҳолини ташвишга солаётгани маълум бўлди. Фуқаролар бу борада белгиланган муддатни ўтказиб юборгани учун йирик миқдорда жарима тўлашга мажбур бўлаётгани, айрим ҳолларда бу ҳолат узрли сабаблар билан боғлиқ экани қайд этилди. Шу боис агар фуқаро ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан эътиборан бир ой ичида ўз кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказса, уни маъмурий жавобгарликдан озод қилишни назарда туловчи нормани қонунчиликка киритиш таклифи билдирилди. Бу эса аҳолининг молиявий юқини енгиллаштириш ва рўйхатдан ўтказиш жараёнларини тезлаштиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Ташриф давомида маҳалла раиси Замира Айтбаева ташаббуси билан ташкил этилган "Қарауй" музейи билан ҳам танишилди. Мазкур музей 2025 йил 30 август кунини ҳудуд фидойилари кўмағида ташкил этилган бўлиб, маҳалланинг тарихи, урф-одат ва маънавий меросини асраб-авайлашга хизмат қилмоқда. Депутатлар ушбу ташаббусни аҳолининг фаоллиги ва маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкамлашга қаратилган муҳим қадам сифатида баҳолашди.

Учрашувлар якунида депутатлар билдирилган муаммо ва таклифлар тегишли қўмиталар ҳамда масъул идоралар билан биргаликда ўрганилиб, қонунчилик ташаббуслари шакллантирилишини маълум қилишди. Зеро, депутатлик фаолиятининг асосий мақсади – аҳоли муаммоларини жойида ўрганиш, уларга ҳуқуқий ва амалий ечим топишдан иборат.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Дурбек Аҳмедов ва Умид Якубходжаев Учтепа туманида жойлашган "Wise school" – миллий таълимнинг энг яхши наъналари ва илгор усулларини ўзида муҳасам этган замонавий хусусий таълим муассасаси фаолияти билан танишилди.

Мақтабга 2018 йил асос солинган бўлиб, кенг ва замонавий ўқув бино, интерактив жиҳозлар билан таъминланган синфхоналар, лабораториялар, студиялар, спорт ва уйин майдончалари, кутубхона ва ошхонани ўз ичига олади. Ўқувчилари халқаро олимпиадалар ва танловларнинг фаол иштирокчилари. Битирувчилари ҳам энг нуфузли университетлар талабаси.

Учрашув давомида депутатлар мамлакатимизда таълим соҳасида олиб бораётган ислохотлар, янгиликлар хусусида сўзлашди. Ёшларни бундай имко-



ниятдан унумли фойдаланиб, ҳар дақиқанинг қадрига етишга, чуқур илм олишга чақирилди. Педагоглар ва ўқувчиларнинг саволларига жавоб беришди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Равшан Фозилов Юнусобод туманидаги "Шифо-Нур" клиникасида бўлиб, муассаса фаолиятини ўрганди. Шифокорлар, ҳамширалар ва даволанувчилар билан суҳбатлашди.

25 йилдан бери фаолият юритиб келаётган мазкур клиниканинг Тошкентда иккита, Қашқадарё, Бухоро, Хоразм ва Самарқанд вилоятларида биттадан филиаллари мавжуд. 2016 йилда кўп тармоқли макomini олган ушбу маскан аҳолига сифатли тиббиёт хизмат кўрсатиб келмоқда.

– Сихат-саломатлик бу дунёда ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган буюк неъматдир, – деди парламент қўйи палатаси депутати

Равшан Фозилов соҳа агалари билан бўлган суҳбатда. – Фақат соғлом инсонгина ижобий ишларга қодирлигини барчамиз яхши биламиз. Юртимизда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Жаҳон стандартлари асосида ташкил этилган шундай клиникаларнинг юртимизда кўлайиб бораётгани аҳолида сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имконини беради.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Виктор Пак, партия Тошкент вилояти кенгаши раиси Тўлқинжон Файзиев Бекобод шаҳридаги "Ўзметкомбинат" АЖда бўлишди. Конституциямиз қабул қилинганнинг 33 йиллигига бағишланган тарғибот тадбирида сийёсий кучнинг комбинатдаги бошланғич ташкилоти фаоллари иштирок этди.

– Асосий қонунимиз халқимизнинг азму шижоати, миллий ўзлигимиз, эркин ва фаровон келажақ барпо этишга бўлган қатъий иродаимизнинг ўлмас тими солидир, – деди О'зЛиДеР вилоят кенгаши раиси Тўлқинжон Файзиев. – 2023 йилда амалга оширилган улкан конституциявий ислохотлар жамиятда очиқлик ва шаффофликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилди. Қолаверса, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси учун бизнес ва хусусий секторни янада қўллаб-қувватлаш борасида ҳуқуқий замин ҳозирлади. Зеро, партиянинг асосий мақсади – мамлакат иқтисодий кудратини ошириш, тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш, ҳар бир инсоннинг фаровон ҳаёт кечириши учун муносиб шароит яратишдан иборат.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Виктор Пак эса О'зЛиДеР-



нинг парламент қўйи палатасидаги фракциясининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштироки хусусида маълумот берди. Шундан сўнг партия сафига кириш истагини билдирган бир гуруҳ ишчи-ҳодимларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Эътиборли жиҳати, янги аъзолар орасида "Ўзметкомбинат" АЖ раиси, салоҳиятли тадбиркор Баҳодир Абдуллаев ҳам бор. Жамият раиси ишбилармонлар манфаати ҳимоясидан оғишмай бораётган етакчи куч вакилларига ўз миннатдорчилигини билдирди.

Партиянинг ушбу жамият қошидаги бошланғич ташкилоти раиси Давлат Холмуродов таянч тузилманинг аъзолар сафи кенгайтганини, илгор ишчи-ҳодим ва етук мутахассислар эндиликда ягона мақсад йўлида бирлашиш имкониятига эга бўлишганини эътироф этди.

Бекободдаги мазкур тадбир О'зЛиДеР иқтисодийётнинг етакчи тармоқларида, айниқса, йирик sanoat корхоналарида ўз позициясини мустаҳкамлаётгани, тадбиркор ва ишбилармон доираларнинг унга бўлган ишончи ортиб бораётганини кўрсатади.

Зухро МИРЗОҲАМДАМОВА,

О'зЛиДеР Тошкент вилоят кенгаши бўлим мудири

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шаҳноза Холмамаева Китоб туманидаги сайловчилар билан учрашди, уларнинг муаммоларини тинглади.

"Доктор Саидов" хусусий тиббиёт клиникасида аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун замонавий шароитлар яратилган. Умумий амбулатор хизматлар, тезкор ташхис қўйиш имкониятига эга лаборатория ва диагностика бўлимлари фаолият юритмоқда.

Депутат шифо маскани билан танишар экан, беморлар учун даярли барча қулай имкониятлар яратилгани, кенг ва ёруғ хоналарда тозалик ва санитария қоидаларига қатъий риоя қилинаётганига гувоҳ бўлди. Бош иш-



фокор Сарвар Мустафоев ва ходимлар билан суҳбатлашиб, уларни ҳам ўйлантираётган муаммо ва таклифларини тинглади. Халқ вакили, ўз навбатида, муассасада замонавий тиббий технологияларни амалиётга кенг жорий қилиш ва бунинг учун ҳамкорликдаги лойиҳаларни янада ривожлантириш зарурлигини айтди.

Кейинги манзил Шарқ юлдузи маҳалласида жойлашган "Темирчи" кичик sanoat зонаси бўлди. Ушбу sanoat зонаси Инқирозга қарши курашиш республика комиссиясининг 2020 йил 19 майдаги йиғилиш баёни асосида 2,5 гектар ер майдонида ташкил этилган. Бу ерда тадбиркорлар танлов асосида жойлаштирилиб, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳозирда зона 18 та лотга бўлинган sanoat зонасида 17 та хўжалик юритувчи субъект фаолият бошлаган.

Лойиҳалар доирасида 11 млрд сўмдан ортиқ инвестиция йўналтирилган бўлиб, шундан 10,3 млрд сўм тадбиркорларнинг шахсий маблағи, 0,7 млрд сўм банк кредити ҳисобланади. Натижада 157 та янги иш ўрни яратилди ҳамда 10 турдаги импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши режалаштирилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Бобур Бекмуродов нишонлик ёшлар билан мулоқотда бўлди. Жумладан, 1 ва 37-умумтаълим мактабларидаги ўғил-қизларнинг таклиф ва фикрларини тинглади. Долзарб масалаларни муҳокама қилди. Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва билим олиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида 12 та замонавий ноутбук ҳамда китоблар тўплами совға қилди.

Мулоқот давомида ўқувчилар орасида китобхонлик маданиятини ошириш ва замонавий технологиялардан унумли фойдаланиш билим олишда янада юқори натижаларга эришишга хизмат қилишга таъкидланди. Самимий руҳда ўтган учрашувларда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар ҳамда келгусидаги режаларини баҳам кўридилар.

АНДИЖОН

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Одинахон Отахонова Асака тумани Шодлик маҳалласидаги имконияти чекланган фуқароларнинг хонадонида бўлиб, уларнинг ҳолидан хабар олди. Қундузхон Раҳматхонова ҳамда Мамлакатхон Жамолдинова билан суҳбатлашди, кундалик ҳаёти, саломатлиги ва эҳтиёжлари билан танишди.

Самимий суҳбат давомида фуқаролар ўзларини қийнаётган масалаларни очик айтишди. Депутат ёрдамчиси Илхомжон Иномов улардан мунтазам хабар олаётгани ва бу эътибордан мамнуликларини билдиришди. Хайрлашув олди-дан депутат уларга кундалик эҳтиёж озиқ-овқат маҳсулотларини топширди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Екатерина Смесова Андижон шаҳридаги 14-давлат мактабга таълим ташкилотиде бўлди.

360 ўринли мазкур боғчада 12 та гуруҳ мавжуд. Мудира Севара Хошимова депутатни муассаса фаолияти, ўқув ва тарбия жараёни билан таништирди. Халқ вакили болаларнинг соғлом тарбияланишлари учун яратилган шароит ва педагогларнинг фаолиятини кўздан кечирди.



Учрашув давомида парламент аъзоси болажонларга "Ибрат фарзандлари" карталарини топширди. Бу кичик совғалар болаларда ижтимоий, ахлоқий ва маънавий тарбияни мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, уларда масъулият ва фаолликни ривожлантиришга хизмат қилади.

САМАРҚАНД

О'зЛиДеР Самарқанд шаҳар кенгаши депутати, сенатор Шавкат Шарипов ва вилоят кенгаши депутати Наргиза Абдуллаева ташаббуси билан ташкил этилган ишчи гуруҳ вилоят марказидаги Ургути маҳалласида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган ишлар ва аҳолини қийнаётган муаммоларни ўрганди. Ишчи гуруҳга О'зЛиДеР вилоят кенгаши бўлим мудири Жаҳонгир Хўжамқулов раҳбарлик қилди.

Муҳокамалар жараёнида Қонимех, Яққабоб, Ғани Абдулло ва Боғизагон кўчаларидаги 1,5 км йўлни таъмирлаш, асфальт ётқизиш жоизлиги айтилди. Чунки айна масала юзасидан уч йилдан бери турли ташкилотлар, хусусан, шаҳар ободонлаштириш бўлимига бир неча маротаба расмий muroжаатлар йўлланган бўлса-да, ҳалигача жўяли натижа йўқ.

Ишчи гуруҳ масъул ташкилотларга ушбу муаммони қисқа муддатда ҳал этиш, йўлларни таъмирлаш ва инфратузилмани яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаш зарурлигини таъкидлади. Масала назоратга олинди.



Самарқанд тумани Навбоғ маҳалла фаоллари ҳамда педагоглар билан ўтказилган учрашувда 1978 йилда қурилган 11-мактаб йўлакларни таъмирталаблиги айтилди. Мазкур ўқув муассасаси 2018 йилда капитал таъмирдан чиқарилиб, томи, иссиқлик ва электр тизимлари тўлиқ янгиланган. Бироқ ҳовли йўлакларни ўша-ўша ҳолда қолиб кетгани боис устоз ва ўқувчилар ҳаракатланишда қийналишмоқда.

Бу борада Самарқанд тумани ҳокими С. Усмонов номига депутатлик сўрови киритилди. О'зЛиДеР вилоят кенгаши депутати, тадбиркор Мизроб Ташов ишчи гуруҳ билан масалани жойида ўрганди. Унинг ҳисобидан йўлаклар ва мактабнинг кириш қисми тўлиқ асфальт қилинди.

О'зЛиДеР ҳудудий кенгашлари маълумотлари асосида "XXI asr" муҳбири Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА тайёрлади.

...Вақтинча ишсиз бўлган жияним бир неча йил хоризжда фаолият юритиб келди. Аммо тоғани йўл харажати, патент ва яна алламбалолардан ортамагач, бошқа бирор касб этагини тутишга киришди. Енгил машинаси борлиги учун йўловчиларга хизмат кўрсатиш борасида пала партиш, уюлмаган ҳолда эмас, тизимли йўлга қўйиш учун телеграмда “Қулон – Қорабоғ-24/7 такси хизмати” гуруҳини очди. Буни қарангки, шундай беминнат хизматга эҳтиёж бор экан, бир ойнанинг ичида ушбу гуруҳ фойдаланувчилари сони уч минг нафарга етди. Шу билан бирга, аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, хизмат кўлувчи киракашлар сафи ҳам орта борди. Гуруҳга аъзо бўлганларнинг барчаси йўловчи ташвиш учун қонуний лицензияга эга бўлиши шарт қилиб қўйилди.

Тирикчиликнинг айби йўқ, бандликка ечим бор

дай тарифлар йўловчилар учун қулай. Лекин айна шу каби нархлар бир кеча-кундузнинг турли вақтида ўзгариб туриши ҳам бор-да. Яъни, тирбандлик ёки қишқир об-ҳаво маҳаллари ёки тун ярида тарифлар бир қадар оширилади.

Яна бир жиҳати, бир неча такси хизматлари бундай рақобатга дош беролмай тарқаб кетганини ҳам айтиш керак. Аслида, бозор сиёсатининг бош талабларидан би-

сбланган Хоразм вилоятида қисқа фурсатда йўловчи ташвиш тизимида рўй берган бу каби янгиликлар, ислохотлар ҳақида мухтасар ҳикоя қилишимизнинг бош сабаби, замон талаби бўлган янгиликни олқишлаш, тизимнинг муаммо ва камчиликлари қоралаш эмас. Ҳар қандай шароитда ҳам бозор сиёсатида рақобатбардошлик барчасини ўз ўрнига қўяди. Ва яна вилоятнинг жуғрофий жойлашувидан келиб чиққан ҳолда тизимда ягона монополист гуруҳ йўқлигини

ҳам таҳсинга лойиқ деб ўйлаймиз. “Ҳар ким ўз аравасини ўзи тортиши” лозимлиги ҳақидаги тамойил шу ўринда ўз исботини топаётгани ҳақиқат.

Осиёнинг энг йирик мегаполис шаҳарларидан бири ҳисобланган Тошкент шаҳрида айна шу соҳада йўловчилар эътирозларига сабаб бўлаётган ҳолатлар кузатилаётгани яқинда ижтимоий тармоқларда “Яндекс” йўловчи ташвиш тизими фаолиятига қарши салбий чиқишлар ва ҳатто бу тизимни бойкот қилишга чақирувлар янраганида акс этди. Тан олиш кераки, “Яндекс” бугун шу соҳада энг оммавийлашган тизим ҳисобланади. Бугунги кунда минг-минглаб юртдошларимиз шу тармоқда фаолият юритиб, рўзгор тебратмоқда, даромад топишмоқда. Бир сўз билан айтганда, бандлиги таъминланиб, тирикчилик ўтказишга.

Шу ўринда қамини пойтахтга йўлим тушганида кўпинча мазкур хизматдан фойдаланган оддий бир йўловчи сифатида ҳозиргача пойтахтда унга деярли рақобат қила оладиган бошқа бирор тузилма пайдо бўлмаганига ачидим, холос. Наҳотки, шунча минглаб уловлар бошини бириктириб турган айрим йўловчи ташвиш хизматлари шунча пайдан бери “Яндекс” монополиясига барҳам берадиган кучга айлана олишмаётгани жумбоқли масала эмасми? Янги очилаётганлари ҳам деярли оммалаша олмапти негандир.

Ҳозирги ахборот технологиялари замонида бу жуда қийин иш эмас, миллиардлаб маблағ ҳам талаб қилмаслиги аён. Фақат ўз шахсий автомобилларида аҳолига такси хизмати кўрсатиш ва шу орқали даромад топиш орасида бўлган кишилар бошини бириктирмоқ ва энг асосийси, сифатли, арзон хизмат тақдир қилиш керак, холос. Ёки бундай фаолият кўрсатиш учун тўсиқ бормикан? Менимча, йўқлиги аниқ.

Қайсидир ташкилот инсофини йўқотган бўлса унга қарши бойкот эълон қилиш билан иш битмайди. Токи, ҳар томонлама ундан зўр шарт-шароит, хизмат ва мижозлар учун чўнтақбоп нархга эга, шунга ўхшаган уюшма орқали ўша инсофсизнинг кўзини очиб қўйиш мумкин.

...Хоризжда, кўпроқ Россияга қатнайидиган киракашлар ўз-ўзидан пайдо бўлишган, бирорта уюшмага аъзоси эмаслиги ва шу боис назорат йўқлигидан йўлларда бахтсиз ҳодисалар кўплай кузатилаётгани алоҳида бошқа бир мавзу!

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” мухбири



ри ҳам шу: қайси бири аҳолига арзон ва қулай хизматни тақдир қилса, ошғини олчи бўлади, нафсига эрк берганлар эса касодга учрайди. Чидаганга чиқарган. Мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларидан бири ҳи-

таъкидлашни истардик. Вилоят маркази, туманлараро ва туман марказлари, қишлоқларда кимларнингдир ташаббуси билан пайдо бўлган бу каби янги тузилмалар бир жойдан бошқарув, яъни бюрократик аппаратга эга эмаслиги

БАЙРАМ АРАФАСИДА

Тўкин дастурхон осмондан тушмайди

Жорий йил қишлоқ хўжалиги соҳаси, айниқса, пахтачилик йўналишида фермерларимиз учун ниҳоятда баракали ва омадли йил бўлди. Ўзининг сидқидилдан қилган меҳнати, йиллар давомида тўплаган тажрибаси ҳамда тўғри агротехник ёндашувлар самараси туфайли кўплай фермер хўжаликлари ҳар гектардан энг юқори ва сифатли ҳосил етиштиришга муваффақ бўлгани ҳақида хабардормиз.

табиат ва экология учун жуда муҳим, аммо бу йилги климат шароити пахта ҳосилининг сифати ва сақланишига ижобий таъсир кўрсатди. Энг муҳими, дала меҳнатқашларининг ҳалол меҳнати зое кетмади, ҳосил баракали бўлди, хирмонлар тўлди.

Ҳар галгидек Янги йил байрами яқинлашар экан, пойтахтимиз аҳолиси учун қувончли хабарлардан бири, бу, қишлоқ хўжалиги ярмаркалари ташкил этилаётганидир. Шу кунларда республикамизнинг барча вилоятларидан келган фермерлар Тошкент шаҳридаги деҳқон бозорларида ўз маҳсулотлари билан фаол иштирок этишмоқда. Масалан, Мирзо Улуғбек туманида жойлашган “Наврўз” деҳқон бозорига Фарғона вилояти, Янги ҳаёт туманидаги “Янги ҳаёт” деҳқон бозорига Сирдарё вилояти, қадим Эски Жува бозорига Қашқадарё, Авиасозлар бозорига эса Бухоро вилояти деҳқон ва фермерлари арзонлаштирилган, сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини халқимизга тақдим этишмоқда.



Фермерларнинг таъкидлашича, яқунлаётган йилда экилган янги, юқори ҳосилдор пахта навлари кутилганидан ҳам ортиқ натижа бериши. Айрим хўжаликлар эса об-ҳаво шароитининг қулай келгани, хусусан, ёмғирнинг меъёрдан ортиқ ёғмагани сабабли пахта ҳосили олий нав сифатида топирилганини мамнуният билан қайд этдилар. Албатта, ёмғир

роитининг қулай келгани, хусусан, ёмғирнинг меъёрдан ортиқ ёғмагани сабабли пахта ҳосили олий нав сифатида топирилганини мамнуният билан қайд этдилар. Албатта, ёмғир

Зойир НОРБЎТАЕВ,
Ўзбекистон Фермерлари Кенгаши
матбуот хизмати ходими

БУЊЁДҚОРЛИК

Мамлакатимизнинг шимолий ҳудудларидан бири бўлган Қорақалпоғистон Республикасида ҳам давлат дастурлари доирасида қурилиш, ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш билан боғлиқ эзгу ишлар кенг қўламда давом эттирилмоқда. Бу каби истиқболли ташаббуслардан кўзланган асосий мақсад битта, у ҳам бўлса ҳудудларни замонавий қиёфага келтириш, аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш, қулай ва хавфсиз муҳит яратиш, шу билан бирга, иқтисодий тараққиётга мустақкам замин ҳозирлашдан иборатдир.

ОРОЛБЎЙИДАГИ ОБОД МАСКАНЛАР

Айни кунларда республиканинг айрим ҳудудларида йўл ва кўприклар капитал таъмирланиб, пиёдалар учун қулай йўлаклар барпо этилмоқда. Шу билан бирга, яшил ҳудудлар ташкил қилиниб, дам олиш масканлари, спорт ва маданий майдонлар бунёд бўлмоқда. Уларнинг барчаси аҳоли учун ҳар томонлама

қурувчи Мийрас Сулаймонов бошчилигидаги “Gidro-Montaj-Stroy” масъулияти чекланган жамияти жамоаси юқори савияда бажаришга бел боғлаган.

Шунингдек, Беруний туманидаги “Амир Темур” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтувчи “Фароғон” кўчасини кечаю кундуз

лар яратилди. Ушбу ишлар Ахмед Сейтов бошчилигидаги “Guldursun Qurilish” МЧЖ қурувчилари томонидан сифатли амалга оширилди.

Чимбой туманида эса “Жипек жולי” МФЙда жойлашган Беруний кўчасини аҳоли ва тадбиркорлар учун гўзал бир масканга айлантириш лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилди. Лойиҳа доирасида пиёдалар ва велосипедчилар учун махсус йўлаклар барпо этилди, дам олиш учун ўриндиқлар, замонавий селфи объектилари ўрнатилди, автомобиль йўли тўлиқ асфальтланди. Ушбу маскан “Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” УК буюртмачилигида, туман ва шаҳарларни жадал комплекс ривожлантириш дастури асосида “Daiygar Avto Servis” МЧЖ меҳнат жамоасининг жонбозлиги билан янги қиёфа касб этди.

Умуманолганда, Қорақалпоғистонда амалга оширилаётган бундай кенг қўламли ишлар аҳоли турмуш сифатини яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш, туризм ва тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Энг муҳими, бу лойиҳалар ҳудудларни янада обод,



қулай муҳит яратиш, фуқароларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилиши табиий.

Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур лойиҳалар маҳаллий аҳоли учун янги иш ўринларини яратиш, туризм салоҳиятини ошириш ва кичик бизнес ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришга ҳам катта туртки бермоқда. Хусусан, Нукус шаҳридаги марказий Собир Камолов ва Ғарезизлик кўчаларини туну кун фаолият юритадиган замонавий дам олиш масканига айлантириш режалаштирилган. Ушбу лойиҳа доирасида пиёдалар йўлаклари қурилиб, ўриндиқлар қўйилмоқда, кўш панелли замонавий тунги ёритиш чироклари ўрнатилмоқда.

Мазкур замонавий лойиҳа “Қорақалпоғистон Республикаси министрилер кенгесининг бирден-бир буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси буюртмаси асосида амалга оширилмоқда. Қарийб 2 миллиард сўмлик ушбу лойиҳани моҳир



фаолият кўрсатадиган масканга айлантириш бўйича ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари муваффақиятли якунланди. Бу ерда қурилиш меъёрларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда аҳоли учун қулай пиёдалар йўлаклари, тадбиркорлар учун эса замонавий ва самарали фаолият юритишга мос шароит-

замонавий ва жозибадор бўлишида ўзига хос пойдевор бўлмоқда.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
“XXI asr” мухбири

Реклама ҳуқуқи асосида тайёрланди.
Хизматлар лицензияланган

МУЛОҲАЗА

ТИЛСИМ

Туркий от

кўтарганлар қачон кўпаяди?



Абақанга борганимизда хакас қардошларнинг исм-фамилияси асосан славян-насонийча эканига ачинган бўлдим. Бугун дунёда атиги 60 минг атрофида хакас борлиги, она тилини билмайдигани ҳам кўплиги, руслашиб кетиш хавфи остида қолгани оғиртади одамни.

Дабдурстан ўзимнинг исм-фамилиям форсий-арабий илдирига эгаллигини эслаб, ичимда истеъзоли кулдим.

Исм бу – мавжудлик белгиси.
Исм бу – мафкура.

Исм бу – сир!

Эски инончларда инс-жинслар Сизнинг исмингизни билиб олса, овлоқ жойда қақирганда қарасангиз, руҳингизга эгалик қилди, деб ишонилган. Бугун биз буни хурофот деймиш. Аммо неча асрлардан бери исмига эгалик қилиб, руҳимизга-да эгалик қилиб келишмоқда-ку! Мингиллик форсий адабий, арабий исломий номенклатура ҳукронлиги шахсан ўзимнинг исм-фамилиямда яққол кўринади. “Жаннат умиди” ва оҳангжамага ўчлигимизни деб исми сарҳадларимизни тобора бой бериб бордик ва бу ҳануз давом этмоқда.

Туркийларда икки исмлилик қадимдан бор. Бола туғилганда биринчи оти қўйилган, улгайганда эса ўзига ўзи ном орттирган. Синовдан қандай ўтишга қараб. Масалан, Ҳакимбек бобосидан қолган ёни кўтариб Алпомишга айланганидек. Икки исмлилик аънаъаси кейинроқ диний (арабий) ва туркий аталиш билан сақланиб қолган (масалан, темирлий шахзодаларда). Бора-бора туркий номи исми изоҳлаш учун қавс ичида ўзлашма сўзми ёзишга мажбур бўлдим).

Ажнабий сўзларга ишқибозлигимиз сабабларидан бири туркий тилларда омонимлик, паронимлик хусусиятлари кучлиликка ҳам боғлиқ деб ўйлайман. Бир ёзувчи акаминг ўғлига Билга (донимшанд) исмини қўймоқчи бўлганда сингиллари йиғлаган экан: жиянимизни ҳамма “бурга” деб қақирсинми... Таёқнинг бир учи бизнинг билга эмаслигимизга, Билга хоқонни омматан танимаслигимизга бориб урилади. (Мана шу ерда ҳам ўз сўзимизни изоҳлаш учун қавс ичида ўзлашма сўзми ёзишга мажбур бўлдим).

“Келажақ соати” дарсига сценарийлар тайёрлаш чоғи иходкор синглимиз таълимий ҳикоячасини ўқиб берди. Мухоқама қизиди. Муносабат билдириш навбати педагогика фанлари доктори, профессор Муҳаммадҷон Куроновга келди (домлани “Замонамиз Авлонийси”, дейишди, бу эътирофга қўйилиш-қўйилмаслик ҳар кимнинг ўзига тани).

– Яхши, яхши, – деди у киши салмоқлаб. – Лекин нега салбий образларингиз исми нуқул туркийча, ижобий образларингиз эса фақат ажнабийча аталади?

Сиз асрлар бўйи боқинчлар онгимизга сингдириб ташлаган мафкура босими остиди иш тутяпсиз. Энди бунақаси кетмайди! Ҳикоянинг худди совет фильмларига ўхшади: тубжой аҳоли ёмон, мустамлакачи яхши, деб нуқул пешонамизга ниқтаб турарди. Биз бугун болаларимиз онгига нимани сингдирмоқчимиз?

Яшанг, домла!
Жадидлар учун исм ҳам мафкура майдони эди. Улар яхши тушунган: бадий асарда ижобий қаҳрамонлар миллий номлар билан аталиши ўзликни мустақамлайти, салбий персонажларга ёт исмлар берилиши

ҳам умуммиллий психологияга таъсир қилди (биргина мисол: Отабек, Кумуш, Зайнаб). Жадидлар туркий отларни асарларида ишлатибгина қолмай, ўзларига ва шогирдларига тахаллус қилиб танлаганлар. Бунга ўзликни тиклаш ҳаракатининг муҳим қисми деб қаралган. Бир аср илгари экилган уруғ ҳамон униб чиқмасдан, ер бағрида яширин ётиб биздан парварिश кутмоқда.

Қачон туркий ном кўтарганлар кўпаяди, қачонки масалани жамиятда ижобий маънода дискурса олиб кирсак. Ўзи қанақа исмлар бизники, Болтаво ва Тешавойдан бошқа, деб куладиганлар ҳамон кўп орамизда. Аввало, бунақаларга мана деб кўрсатиш учун туркий антропонимикани бир ерга жамлаш керак. Илк уринишлар бор. Икки-уч йил илгари Oyo.uz порталида Абдувоҳид Ҳайит, Улубек Ҳамдам йиққан рўйхат нашр этилган эди.

Орзу қиламанки, тарихдаги барча туркий номлар тўпланиб, шахслари ҳақида қисқача маълумот берилиб, энциклопедик манба яратилса.

Ким фарзандига исм танламоқчи бўлса, китобни арақлаб, сайтни титқилаб, излаганини топса.

Рўйхатдаги киши отларининг ибратли илдизини кўрсатса, ота-оналарда рағбат уйғонади, болаларга тарбиявий таъсир қилади.

Исмлар ўғил-қизларимизни буюк ўтмишимиз билан боғлаб турса...

Қандай исмлар кўпайиб бораётгани жамиятда ўша маданият кучайиб бораётганини аниқлатади. Ўзбекистонда кейинги йилларда эълон қилинган статистик маълумотларга бир кўз ташлаб қўйинг. Кишининг кимлигини, қандай муҳитнинг мевасилигини номи ҳам айтиб туради. Қолаверса, исм-фамилияларимиз орқали дунёга ўзликни танитамиз. Шу маънода болаларимизга от қўйиш мафкуравий масалаки, халқнинг онг остидаги тушунчалар ҳал этади бунини.

Кескин қарорлар қабул қилиш, масалан, “исм тозалаш” кампаниясини бошлаш тарафдори эмасман. Ўзбекининг ўзлиги серкатлам, фақат шу қат-қаватлар орасида туркийлик сиқилиб қолмасин дейман. Бу нега керак? Бир ҳовуч хаёлпараст зиёлиларнинг утопик орзулари рўёбга чиқishi учунми? Йўқ! Жаҳоннинг беқарор геосийёси майдонда ўйин эмас, ўйинчи бўлишдек реал мақсаднинг миттигина мурвати бу!..

...Тўғри, биз бор-йўғи 60 минг эмасмиз, лекин жон бошига ҳисобланганда аҳволимиз хақаслардан яхшими? Камсонли халқларда ўзликдан узоқлашиш жараёни очик кўринади. Бизда эса яширин, аста-секин, лекин кенг миқёсда кечади. Хақаслар “йўқолиб кетмаслик” ҳақида қайғуради – ўзбекининг эса парвоийга келмайди. Чунки кўпимиз-да. Кўпчилигимиз бизни ҳаммаша ҳам ҳимоя қилолмайди. Маданий барқарорлик сон билан эмас, онг билан ўлчанади. Қадимда нуфуси мўл, ўзлиги заиф бўлган халқларни бугун фақат тарих дарсликларидан учратиш мумкин.

Мен болаларимга туркий исм қўйдими?

Ҳар ким ўзига ўзи бериши шарт шу саволи. Энди кеч бўлса, набираларча улгурасиз!

Фаррух ЖАББОРБЕК

...Бир антрополог олим Африка қабиласидаги болаларни ўйин ўйнашга таклиф қилди. У мева солинган саватни дархатнинг ёнига қўйиб: “Ким биринчи бўлиб шу дархатга етиб келса, мева солинган сават унига бўлади” деб шарт қўйди. У югуришга ишора қилганида ҳамма болалар бир-бирларининг қўлларидан ушлаб чопишди ва бирга етиб келгач, баб-баравар мевалардан завқланишди. Бу қутилмаган ҳолатдан ажабланган олим улардан нега бундай йўл тутганликлари сабабини сўради. Жўр бўлиб айтилган жавоб шундай бўлди: “Обонато!” ёки “Убунту!” – ҳамма хафа бўлган жойда, бир киши бахтли бўлиши мумкинми? Яъни уларнинг тилида бу “Барчанинг борлиги учун мен борман” деган маънони аниқларди.

“МЕН БОРМАН, ЧУНКИ БИЗ БОРМИЗ”

Убунту – бу Африка ахлоқий таълимоти, одамларнинг ишончи ва уларнинг муносабатларига асосланган ўзига хос гуманистик фалсафадир.

“Убунту” бу қитъанинг зулу ва хоса тилларига тегишли бўлиб, ўзбекчага ўтирилганда, “бошқаларга нисбатан инсонпарварлик” ва “бутун инсониятни бирлаштирувчи жамоавий ҳаракат кучига ишониш” деган маъноларни аниқлар экан. Маълумки, бундай атамалар кўплаб Африка диалектларида мавжуд ва улар бошқаларга нисбатан сазийлик, хушмуомалалик ва инсонийликни ҳам билдиради.

Масалан, Африкада кимдидир мақтамоқчи бўлсангиз, оддийгина қилиб: “Фалончининг убунтуси бор”. Бу унинг саховатли, меҳмондўст, қўли очик, ғамхўр ва раҳим-шафқатга тўла эканлигини аниқлатади.

1980 йилда зимбабвेलлик тарихчи, журналист ва ёзувчи Ж. Т. Самканг убунту тамойилларини тизимлаштиришга ҳаракат қилди. У учта асосий жиҳатни аниқла-

шундагина бутун дунёга таъсир қила оламиз”...

Жанубий Африканинг биринчи қора танили президентни Нельсон Мандела шундай мисолни келтирган эди: “Мамлакатни айланган юрган саёҳатчи агар бир қишлоқда тўхтаса, унинг учун овқат ёки ичимлик сўрашга ҳожат йўқ. Чунки уни кўриши билан одамлар овқат тутқазадилар, ғамхўрлик кўрсатишади. Бизнинг убунтуларимиз яқна ҳолда бойиб кетиш мумкин эмаслигини таъкидлашади. Тасаввур қилинг, ён атрофингиздаги жамоадан ажралиб ўзиб кетишингиз мумкинми? Хўш, айтинг-чи, сиз жамиятни ривожлантириш, яхшилаш учун кўпроқ ўзингизни бой бўлишингизни истайсизми ёки аксинча?”

Убунтуси бор одамнинг шиори шундай: “Ахир мен қандай қилиб бошқалар бахтсиз бўлса ўзимни бахтли ҳисоблашим мумкин?”

Гўёки биз тилга олаётган ва ўзимизча замондан ортда қолган деб ўйлаётган қабиалар бахтли бўлишининг шундай сир-

бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик юксақ даражада бўлгани рост-қу!

Қуйидаги ўхшатишга эътибор қаратинг: “Менда сигир ва сизда идиш бор, демак, иккимиз ҳам сут ичишимиз мумкин”. Ана шу оддийгина мисол замирида мўл-қўллик, қадрлаш ва ҳамкорлик ётибди. Эҳтимол, убунту нима учун Африкадаги қишлоқларда очлик ва танлов етишимаслигига қарамадан, улар барибир ўзларини бахтли ҳис қилишларини, қўпичта табассум қилишларини аниқласа, не ажаб! Бу ҳақиқатга шубҳа қилсангиз, орангизда Африка қишлоқларига саёҳат қилганлардан сўраб қўринг, бу қабила-жамоаларнинг донолиги, ҳамдардлиги, камтарлиги, ғамхўрлиги ва қувноқлигидан ҳайратда қоласиз. Ёки аксинча, қулай турмуш тарзига қарамай, ҳар кун кўплаб танловлар мавжуд бўлса-да, баъзи одамлар қуллини унутайтганини кўряпмиз. Ҳар бир инсоннинг борлигида бўлишқ бордек.

Убунту эътибор ёки танлов эмас. Бу ғу-



ди. Биринчиси, инсон бўлмоқ – ўзгалардаги одамқарчиликни тани олиш орқали ўзининг ҳам саховатпешалигини тасдиқлаш ва шу орқали самимий муносабат ўрнатиш. Иккинчиси, агар кимдир бойлик ва бошқанинг ҳаётини сақлаб қолиш ўртасидаги яқиний танловга дуч келса, у ҳолда ҳаётни сақлаб қоллиши таллаши шарт. Учинчиси эса подшоҳ ўз мақоми, шу жумладан, ўзи билан боғлиқ барча ваколатлар учун халқнинг иродасига қарздор.

Либериялик тинчлик фаоли Лейма Роберта Гбови убунту тамойилига шундай таъриф беради: “Мен борман, чунки биз бормиз”... Ушбу қисқа ва лўнда ибора чуқур маънога тўла: яъни мен яқна ҳолда мавжуд эмасман. Ва менинг борлигим мен томонидан белгиланмаган (ёки фақат мен эмасман). Биз бир-биримиз билан шунчалик боғлиқмики, улкан тирик бутуннинг ярим қисми. Ва ҳар биримиз қандай бўлсак, бошқалар учун ҳам мавжудимиз, чунки бормиз бир бутунми. Мен ҳаммамнинг ажралмас қисмиман!

Тинчлик учун Нобель мукофоти совриндори, архиепископ Десмонд Туту ўзининг “Кечиримсиз келажақ йўқ” китобида шундай деб ёзган эди: “Убунтуга эга одам бошқалар учун очик ва содиқ, ҳеч кимга ўзининг ажралиб турган қобилияти билан таҳдид қилмайди ва ўзгаларни камситиш ёки қийноққа солишдан тийилмайди”...

Кейинчалик 2008 йилда ўз нутқларидан бирида Туту шундай дейди: “Мамлакатимиздаги энг олий тушунчалардан бири бу, убунту – инсон бўлишининг моҳиятидир. Убунту сизнинг алоҳида ажралган ҳолда инсон сифатида мавжуд бўлолмаслигингизни билдиради, яъни бизлар санжир каби бир-биримизга боғланганмиз, ёлғизлик бизларга хос эмас,

асрорларини билишадик, уларни бугун “ривожланган”, “цивилизациялашган” дея мақтанаётган жамиятлар аллақачон йўқотиб қўйган.

Кениялик адабиётшунос Жеймс Огуденинг фикрича, убунту замонавий дунёда кенг тарқалган индивидуализмга қарши курашчи восита бўлиб ҳисобланади ҳам тааллуқлидир. Табиатнинг марказий устунини тан олганимизда убунтунинг маъноси янада кенгайди: мисол учун, мен – биз борлигимиз учун, биз – ер борлиги учун боримиз. Демак, табиат мусавфоллиги билан инсон руҳияти покизалиги чамбарчас боғлиқ экан.

Таъкидлашимиз, убунту концепциясининг ягона таърифи йўқ, лекин унинг ядроси инсоният атрофида айланади. Унинг моҳияти шундайки, ҳар биримиз яқна-ёлғиз бахтли бўлолмаймиз, балки бошқа бировнинг азобини ҳам ўз азоб-уқубатимиз сифатида қабул қилсаккина жамият бутун бўлади. Демак, барчамиз кўрнмас ришталар орқали боғланганмиз ва ҳеч кимга ҳасад қилиш ёки ҳеч кимдан қасос олиш керак эмас. Убунту ёрдамида моддий ва номоддий нарсалар билан бўлишиш, кечирриш ва бошқаларга нисбатан адолатсизлик қилмаслик лозимдир.

Тасаввур қилинг, одамзотнинг илк авлодлари Африкада яшаганлигини инобатга оладиган бўлсак, биз тилга олаётган УБУНТУ ҳам бизлар каби қадимий эканини исботлайди. Унинг фаройиб тамойиллари бутун инсоният генининг бир қисмидир балки. Боиси, бизнинг аждодларимизда ҳам

зал, илҳомлантирувчи ва чуқур боғланган жараён. Қабул қилувчилар берувчига айланади ва... Ишонч асосни ташкил қилади.

Кўп бора кузатганмиз, ушбу сирли ва сехрли қитъа болаларининг инсонпарварлик сифатида жўнатилган ёрдам, озиқ-овқатларга навбатда туриши янглик эмас. Бу, ҳозиргача сайёҳлар ва антропологларни ҳайратга солаётгани шубҳасиз. Лекин улар ҳар қандай ҳолатда ҳам озиқ-овқат, ўйинчоқлар олиш ва ҳатто суҳбатлашиш учун ҳам ушбу тартибга қатъий риоя қилишади. Уларда “мен биринчи” деган даъво ҳам учрайди. Балки бу халқлар ўзларнинг убунтуси билан бошқаларга ибрат бўлаётгандир. Балки бу ҳаётини қандай инсоният унутайтгани қадритадир, ким билади...

Ҳақли савол туғилади: убунту нима учун керак? Бу, эҳтимол, дунёдаги ҳар хил қалити вазиятлардан омон қолиш учун зарурдир. Чунки бугун очлик ва йўқчилик, уруш, табиий офатлар бошимизга қулфат келтирётганида янада жипслашиш, бирлашиш учун сув ва ҳаводек зарурдир.

Сир эмас, бугун Африкада одамлар жуда кўп нарсалардан маҳрум – тинчлик-осойишталик, тоза ичимлик суви, барқарор иш ўрни, ҳатто оддий дори-дармон...

Лекин уларда бир нарсаси бор: убунту! Ва эҳтимол, айнан ана шу сирли тилсим уларни ҳамон инсон сифатида боғлаб тургандир. Бизнингча, убунту инсонийликни унутмаслик ва одам боласи сўнгги нафасига қадар инсон бўлиб қолиши учун сўнгги имкониятдир балки.

Айтинг-чи, сизнинг убунтугиз борми?

Барно СУЛТОНОВА,
журналист

МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир ҳайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Мавлуда ХУЖАЕВА

Сирождин САЙИИД
Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ

Нодир ЖУМАЕВ
Мадина БАРОТОВА
Шухрат АСЛОНОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

Электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел. факс).

Обуна ва реклама бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (СоБЖ) Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ, Бюрогига рақами: Т – 1245
Адади: 5005
Баҳоиси келишилган нархда.
Топширилди – 18:40

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
123456

Навбатчи муҳаррир:
Абдулла ЧИМРИЗЕВ